



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 март, № 58 (8953)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МЕҲНАТ ВА ИЖОД, УЙҒОНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ

«Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Кун ҳамалга кирди. Замҳарир кишининг совуқ лашкарлари — қору музи чекиниб, бутун борлиқ куёшнинг илиқ нурларига тўлди...

Баҳор... Юртимиз пасту баландликлариди, шаҳару қишлоқларда хуш ифор

саболар эсмоқда. Дала-даштлар, чўлу биёбонлар, қиру адирлар, боғу роғлар яшилликка бурканган. Дарахтлар куртак очмоқда. Бодоми ўриқлар қийғос гулга кирди. Эрта уйғонадиган чечакларнинг анвоий иси оламни тутган.

Иссиқ ўлкалардан қайтиб келган қалдирғочларнинг вижир-вижири хонадонларга яна ўзгача шуқуқ бахш этяпти...

Инсонлар руҳида ҳам ажиб кўтаринкилик. Қизлар эғнида атлас кўйлақлар товланади, йигитлар

кўзларида, қалбларида, билақларида учқунлар чакнайд...

Тогдан энаётган жилғаларнинг жилдираши, майин насимлардан дарахтлар шовуллаши, юксак кенгликларда парвоз этаётган кушлар сай-

раши ҳаётнинг мангу қонуниятларини, борлиқнинг ўзгармас ҳақиқатларини мадҳ этаётгандек...

Хуллас, баҳорнинг мўъжизавий симфонияси она табиатда ҳам, инсон кайфиятида ҳам ажиб бир ўзга-

риш, янгиланиш ва яшариш кечаётганидан далолат беради.

Наврўз — ана шу кўркам фаслнинг шоҳ асари. Яна бир кўламга етганимизга шукроналик айёми.

Наврўз — Шарқона янги йил дебочаси. Ҳаёт бардавонлиги ифодаси. Шу боис халқимиз минг йиллар давомида Наврўзни интиқ қутиб олади. Жипслашиб, аҳил-иноқликда, кутаринки руҳ билан нишонлайди. Унинг эзгуликка эш қадриятларини, ўзлгимизни, қалб кечинмаларимизни, орзу-армонларимизни намоён этувчи урф-одатларини, анъаналарини асраб-авайлайди, авлодларга безавол етказди.

2025 йил 21 март. «Янги Ўзбекистон» боғи байрамона безатилган. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қутиб оладилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Табриқда таъкидланганидек, Наврўзи олам уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг бекиёс маънавий аҳамияти билан ҳамиша алоҳида эътибор топган буюк байрамдир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам фахрийлар, қадрли ёшлар! Мунис опа-сингиллар, ҳурматли меҳмонлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни қадимий ва ҳамиша навқирон байрам — Наврўзи олам билан чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги мунаввар кунни элу юртимиз билан тинч ва хотиржам қутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табаррук фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида рух, ўзгача фойз ва қувонч бағишламоқда.

Қалбларимиз шодликка тўлган шундай барокатли кунларда юртимиз мўмин-мусул-

монларини, бутун ислом умматини Рамазон шариф билан яна бир бор қутлаб, жамий пок ниятларимиз ижобат бўлишини тилаймиз.

Хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриқлаб, самимий тилақларимизни изҳор этамиз.

Шундай шуқуҳли ва улуг кунлар барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг бекиёс маънавий аҳамияти билан ҳамиша алоҳида эътибор топган буюк байрамдир.

Ушбу бебаҳо айём ҳақида битилган илмий-тарихий ва бадий асарлар шу қадар кўпки, улар ҳақли равишда миллий ме-

росимизнинг ўлмас дурдоналарига айланган.

Халқимиз асрлар давомида оғир ва машаққатли, синови пайтларда ҳам бу байрамни олийжаноб табиати ва қадриятлари билан асраб-авайлаб келгани чинакам мўъжизадир.

Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш қучидан далолат беради. Айниқса, инсоннинг табиат ва борлиқ билан уйғунлиги, яратувчанлик иштиёқи, ғайрат ва шижоати, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибат ва саховат каби олийжаноб фазилатларий Наврўз тимсолида янада ёрқин намоён бўлади.

Наврўз кунларида бободехқонларимиз ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кут-баракасини ўйлаб, она заминга ўз меҳрини беради, мўл ҳосил олиш ниятида қаттиқ бел боғлайди.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобоимизнинг **“Дехқонки, дон асочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўли очар”** деган сўзларида чуқур ҳаётий маъно мужассам.

Кўнглимизда меҳнат ва ижод, уйғониш ва яшариш завқи тобора кучайиб бораётган мана шундай баҳорий лаҳзаларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз, боғбон ва чорвадорларимизга алоҳида эҳтиром изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, юксак бунёдкорлик руҳи Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва жадал ўзга-

ришларнинг асл мазмуни ҳамда эзгу гоёларига ҳамохандир.

Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида қатъий қадамлар қўймоқдамиз.

Юртимизда кўлаб замонавий sanoat мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилмоқда. Бизнес, IT ва туризм соҳалари жадал ривожланмоқда. Минглаб янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тобора гўзал ва обод бўлиб бормоқда.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Инсоният тарихидаги энг қадимий байрамлардан бири — табиат уйғониши, янги ҳаёт ва яшариш рамзи бўлган, кўп миллатли халқимизга хос бўлган эзгулик, меҳроқибат, саховат ва ғамхўрлик, бунёдкорлик, она замин ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат каби фазилатларни ўзида мужассам этган Наврўз байрами

кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбобларидан самимий табриқлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз мактубларида юртимизда ҳукм

сураётган тинчлик ва осойишталик, барқарор ривожланиш, дўстлик, тотувлик ва яхши қўшничилик муҳитини юқори баҳоламоқда. Тинчликсевар ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидлаиб, Янги Ўзбекистонга равнақ тилақлари изҳор этилган.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби
Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Баҳор айёми Наврўз муносабати билан энг самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида муваффақиятли ривожланмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни бундан буён ҳам дўст халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда хавфсиз-

лик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожлантирамиз, деб ишонаман.

Ушбу қутлуғ айёмда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам солиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси
Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби
Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбек халқининг анъанавий Наврўз байрами муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи ҳамда ўз номидан Сизни, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини самимий муборакбод этаман.

Минг йиллик тарихга эга Наврўз баҳор келиши ва табиат уйғонишини ифодалаб, ўзбек халқининг бахтли ҳаётга, эл-юрт бирлигига ва равақига интилишини акс эттиради.

Ўтган йил июль ойида Остонада бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасидаги самимий ва дўсто-

на учрашувимизда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ва турли соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришдик, икки томонлама алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олдик.

Эришилган келишувларимиз самарали амалга оширилаётгани, икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб, эътиборга лойиқ натижалар бераётганини мамнуният билан таъкидлайман.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш-

га катта аҳамият бераман ва яқин дўстлигимизни юксак қадрлайман.

Сиз билан биргаликда барча соҳалардаги ҳамкорлиқни илғари суриш, Хитой ва Ўзбекистоннинг ягона тақдир ҳамжамиятини барпо этиш ишларини бойитиш учун ҳаракат қилишга тайёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам солиқ, оилавий бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавон тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби
Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ажойиб Наврўз айёми билан табриқлайман. Бу барча учун тинчлик, фаровонлик ва янгиланиш байрамидир.

Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ришталар ўрнатилаётганлигини юксак қадрлайман ва Сизнинг изчил ислохотлар дастурингизни олқишлайман. Савдо алоқаларимизни кенгайтириш ва замо-

намизнинг энг йирик муаммоларини ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишни интиқлик билан кутаман.

Буюк давлатларимиз равақ сари интилаётган бир пайтда, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашга содиқ бўлиб қолади.

Наврўз муборак!

Чин дилдан,
Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

МЕҲНАТ ВА ИЖОД, УЙҒОНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ



Таассуфки, эркимиз бой берилиб, мустамлака шароитида яшашга мажбур бўлган пайтларимизда халқимизни Наврўздан айиришга ҳаракатлар ҳам бўлди. Собиқ иттифоқ даврида сунъий равишда ташкил этилган турли саналарни байрам қилиб нишонлашга мажбурланди. Бу тантаналар турмуш тарзимизга зўрлаб тикиштирилгани учун кўҳна тарих тўфонларига дош беролмади. Элимизнинг кўнглига, руҳига сингмади, охир-оқибат ҳаётдан, жамиятдан ситиб чиқарилди.

Наврўз эса бизни ҳеч қачон тарқ этгани йўқ. Юртдошларимиз уни асрлар давомида оғир ва машаққатли дамларда ҳам, синовли пайтларда ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатлик билан нишонлаб келмоқда. Чунки унинг олийжаноб табиати, бетимсол қадриятлари миллатимизнинг менталитетига мос, рухониятига муносиб, эзгуликка ишончини, келажакка ёруғ умидларини акс эттиради. Шу боис бу кутлуг айёمنىнг ифори боқийдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далолат беради.

...Муаззам майдон атрофида давлатимиз байроқлари ҳилпирайди. Осмонни тўлдириб учаётган варраклар, саҳна теграисига зеб берган турфа чечаклар, миллий нақшлар, сўри ва қўшайвонлар халқимизнинг турмуш тарзига, Наврўзнинг ёшлик ва нафосат айёми эканига ишора. Сумалак сайли, "Қозон тўлди", "Келин салом" саҳна кўринишлари, дорбоз ва бошқа халқ ўйинлари байрамга хос удуллар, урф-одатлар безавол сақланиб келаётгани исботидир. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзаралар қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

...Карнай-сурнайлар садоси остида жарчилар Наврўз сайли бошлангани эълон қилади. Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наволар тарала-



ди. Саррин саболар ва соҳир куй оғушида улкан мониторларда ям-яшил боғлар, бепоеъ далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор, бахтиёр замондошларимиз киёфаси жилва қилади.

Халқимиз бу йилги

Наврўзни ҳам улкан ютуқлар билан кутиб олди. Иқтисодиётни барқарор қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижа-сида аҳолининг реал даромадлари муттасил ошиб бормоқда. Дастурхони тўкин, ҳаёти янада фаровон бўлмоқда.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, инфра-тузилма ва логистика, тадбиркорлик, ахборот технологиялари, туризм ва бошқа соҳаларда стратегик лойиҳалар амалга ошириляпти. Янгидан-янги тураржойлар, маданият ва маърифат масканлари қад ростламоқда.

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш асосий мезонга айланмоқда.

Табриқда урғу берилганидек, Наврўз кунларида бобо-деҳқонларимиз ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз қут-баракасини ўйлаб, она заминга ўз меҳрини беради, мўл ҳосил олиш ниятида қаттиқ бел боғлайди. Ҳақиқатан ҳам, кўкларнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш, ўз вақтида ерга уруғ қадаш турмушимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим омили. Бугун Президентимиз томонидан ердан унумли фойдаланиш, экин-тикин ишларини ўз вақтида бажариш, одамларнинг омилкорлигини кучайтириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани боиси ҳам шу.

Давлатимиз раҳбари ўз табриғида хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам қутлаб, самимий тилақларини изхор этди.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизга муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ўқиш ва ишлашлари учун қулай шароитлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Айни пайтда уларни юртимизга қайтиб, ўз соҳалари бўйича муносиб ишга жойлаштирилишга кўмаклашиляпти.

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган "Умум-

бўйича кўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаради.

Тарихий Фармонда жамиятда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари белгиланди. Жумладан, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликини шакллантириш, Ўзбекистонда

яшовчи барча миллат ва эл-латлараро муносабатларни устувор сиёсатида айланган. Ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 карра кўпайиб, улар бугун бизнес вакиллари-нинг салкам 40 фоизини ташкил этаётгани бу борада аниқ дастур асосида олиб борилаётган ишлар мевасидир.

Янги Ўзбекистон фарзандлари — юзлаб, минглаб ўғил-қизларнинг турли соҳалардаги ютуқлари бугун дунё эътирофиди. Ҳозирги вақтда жа-



ватлаш, халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилади.

...Оламдаги яшиллик ва яшаришни, ободликни таранум этувчи ашулалар Наврўз қадриятларини намоён этади.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кўчган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси диёримизда янги экологик муҳитни яратишга туртки бўлди. Ҳар йили миллионлаб кўчатлар экиш, яшил боғлар барпо этиш, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш каби юксак экологик маданий қадриятлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йили" давлат дастури доирасидаги улкан ишлар бу жараёнларни янада юқори даражага кўтармоқда.

...Саҳнага болажонлар кириб келади. Жажжи кичкин-тойларнинг шўх-шодон рақслари, куй-қўшиқлари қалбларни завққа тўлдирди.

Мамлакатимизда ёшларга келажагимиз таянчи, халқимизнинг олтин фонди сифатида гамхўрлик кўрсатишмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ўғил-қизларни мак-

табгача таълимга янада кенг-роқ қамраб олиш, ушбу мас-канларни замон андозаларига мослаштириш, мактабга тайёрлашнинг самарали моделларини татбиқ этиш бўйича кенг қўлланма ишлар олиб бориляпти. Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ҳар томонлама ривожланган, меҳнат бозори-да талаб катта бўлган касб-ларни эгаллаган, инновацион тафаккур соҳиби бўлган янги авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, интилишларига шариоит яратиш давлатимизнинг устувор сиёсатида айланган. Ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 карра кўпайиб, улар бугун бизнес вакиллари-нинг салкам 40 фоизини ташкил этаётгани бу борада аниқ дастур асосида олиб борилаётган ишлар мевасидир.

Янги Ўзбекистон фарзандлари — юзлаб, минглаб ўғил-қизларнинг турли соҳалардаги ютуқлари бугун дунё эътирофиди. Ҳозирги вақтда жа-

38 миллионлик буюк халқ, Президент турибди. Сизларга доимо омад ва зафарлар ёр бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Наврўзнинг гашти, жозиба-си, айниқса, маҳаллаларда ўтаётган халқ сайилларида яққол сезилади. Миллий анъаналаримиз ўчоғи бўлган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Ёшлар тарбияси, осойишталикни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя ва хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, экология ва ободлик каби бири-бирдан муҳим вазифалар маҳалланинг ўзиди ҳал этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимиз 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини билан барча маҳалла фаолларини самимий табриклади.

Наврўз — меҳр-оқибат, ода-мийлик, хайр-мурувват байра-ми. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож ки-шиларга беминнат ёрдам бе-ради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-ку-дуратлар унутилиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинади.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар, боқув-чисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатлам ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларни ўй-жой, тиббий буюм-лар, жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бери-лаётгани Наврўз фалсафасига ҳо бўлган эзгу тушунчаларни халқимиз бугун ҳам юксак қадрлаб келаётганидан дало-латдир.

Наврўз бағрикенглик ва аҳиллик руҳи билан юртимиз-

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЎЗ АНЪАНАЛАРИНИ САҚЛАБ, ДАДИЛ ОЛГА ИНТИЛАЁТГАН БУЮК ХАЛҚДИР»

21 март куни пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" боғида Наврўз байрами шодиёналари катта тантана билан нишонланди. Байрам тадбирида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни Наврўзи олам билан қутлади.

Изҳор

Давлатимиз раҳбари Наврўзи олам фалсафа-си бизнинг орзу-инти-лишларимиз, амалий иш-ларимиз билан узвий боғланиб кетганини бу-гун ҳар қадамда яққол кўриш мумкинлигини таъ-кидлади. "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" деган эзгу гоя атрофида бирлашган халқимизнинг олийжаноб меҳнати би-лан мамлакатимизда янги-янги замонавий корхоналар, шинам уй-жойлар, ижтимоий ва ма-даний объектлар, йўл ва кўприклар, боғ ва хиё-бонлар барпо этилаётга-ни урғуланди.

Мазкур тадбирда, шу-нингдек, Ўзбекистонда

аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқроқ ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди. Дипломатик корпус раҳбарлари "Дунё" АА учун берган интервью-ларида Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан самимий мубо-ракбод этиш баробари-да, юртимизда кейинги саккиз йилда амалга оширилган ортага қайт-мас ислохотларнинг са-марали натижаларидан ҳайратда эканликларини таъкидлашди. Шунинг-дек, Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байра-мига бағишланган тан-танали маросимдаги нутқининг мазмун-мо-ҳияти ва унда қайд этил-ган вазифалар юксак баҳоланди.

Жонатан ХЕНИК, АҚШ элчиси:




— Аввало, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг мамлакатда кенг қамровли ва ортага қайтмас ислохотларни амалга оширишга қаратилган фаолияти мени ҳайратга солаётганини таъкидлашим жоиз. Биз иқтисодиётнинг жадал ривожланаётганига, шунингдек, Ўзбекистонни савдо ва инвестициялар учун истиқболли йўналиш сифатида кўраётган Америка компанияларининг қизиқиши ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Наврўз нафақат янгилаш ва фаровонлик тимсоли бўлган аjoyиб баҳор байрами, балки эришилган ютуқларни нишонлаш учун муҳим фурсатдир.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон фуқароларига Наврўз байрами файзли бўлишини чин қалбимдан тилайман!

Тимоти СМАРТ, Буюк Британия элчиси:



— Бу ерда бўлиш ва Наврўз байрамини, шундай аjoyиб даврда нишонлаш мен учун катта шарафдир. Саккиз йиллик ислохотлар Ўзбекистон ўз макени мустаҳкамлаш йўлидаги таъсирчан йўлдан далолат беради. Мамлакат жаҳон сахнасига қандай ишонч билан кириб келаётгани, бутун Марказий Осиё минтақасига наф келтираётгани кишини ҳайратга солади. Айниқса, Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳасидаги ютуқлари эътиборга лойиқ.

Йилнинг энг сеvimли байрами — Наврўзни шу ерда, гўзал янги Ўзбекистонда Президент ва дипломатик ҳамжамият билан биргаликда нишонлаш катта шарафдир. Бу воқеа, шубҳасиз, дипломатик тақвимдаги энг муҳим босқичлардан биридир.

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:




— Ўзбекистон халқини баҳор, янгилаш ва бунёдкорлик рамзи — Наврўзи олам билан чин қалбимдан табриклайман. Бу ёрқин байрамда ўзбек халқининг улғуворлиги, қадимий анъаналари, матонати ва тараққиётга интилиши ўз ифодасини топади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон барча соҳада аjoyиб ўсиш ва ривожланишни намоиш қилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодий, ижтимоий соҳа ва халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлланма ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Бу ютуқлар Ўзбекистон улкан салоҳиятга, келажакка интилаётган халққа эга давлат эканининг яққол тасдиғи бўлди.

Ўзбек халқи ўз анъаналарини сақлаб, дадил олға интилаётган буюк халқдир. Наврўз — унинг куч-қудрати, бирдамлиги ва янги марралар сари интилиш тимсоли.

Қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва янада муваффақиятлар тилайман.

Жавад Мухаммад АВАД, Фаластин элчиси:



— Аввало, Ўзбекистон раҳбарияти ва бутун ўзбек халқини ушбу аjoyиб байрам билан чин қалбимдан табриклайман. Наврўз — янгилаш, яшариш ва янги ҳаёт рамзи. Янги кун ҳар бир хонадонга бахт, тинчлик ва фаровонлик олиб келсин!

Ўзбекистонга янада тараққиёт, барқарорлик ва барча даражада муваффақиятлар тилайман. Бу гўзал юрт равнақ топсин, халқи тинч-тотув яшасин!

«Дунё» АА.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

VAZIRLIKLAR, HOKIMLIKLAR, KORPORATSIYALAR, BANKLAR, BARCHA TA'LIM MUASSASALARI, TASHKILOTLAR VA QO'SHMA KORXONALAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

ISLOM KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI

2024/2025 o'quv yilida bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha bitiruvchilarning intellektual salohiyatidan unumli foydalanish va ish bilan ta'minlashga ko'maklashish maqsadiga ishga taqsimlash jarayoni boshlanganligini xabar qiladi. 2025-yil 4-aprel kuni o'tkaziladigan «Karyera kuni» mehnat yarmarkasi tadbiriga taklif etamiz. Shu munosabat bilan bitiruvchi yosh mutaxassislarga siz rahbarlik qilayotgan korxona, tashkilot va muassasada ehtiyoj mavjud bo'lsa, talabnoma va so'rov xati bilan hamda taklif etilayotgan lavozim to'g'risida ma'lumotlar bilan murojaat etishingizni so'raymiz. Viloyatlar va Toshkent shahri miqyosida universitetni tugatayotgan malakali yosh mutaxassislar haqidagi ma'lumotni quyidagi jadvalda e'tiboringizga havola etamiz.



BAKALAVRIAT																																		
№	Shifr	Yo'nalishlar nomi	Bitiruvchilarning umumiy soni	Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha																	Boshqa davlatlar													
				Qorapog'on Respublikasi	Andijon viloyati	Buxoro viloyati	Jizzax viloyati	Navoiy viloyati	Namangan viloyati	Samarqand viloyati	Sirdaryo viloyati	Sirg'ona viloyati	Toshkent viloyati	Farg'ona viloyati	Xorazm viloyati	Qashqadaryo viloyati	Toshkent shahri																	
1	2	3	4	5		6		7		8		9		10		11		12		13		14		15		16		17		18		19		
			jami	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma			
1	5111000	Professional ta'lim: transport vositalari muhandisligi (avtotransport)	21	4	17	1	2				1		1			1		1		5		2		1	1	3	1	1						
2	5150900	Dizayn: sanoat dizayni	39	11	28				1		1				1			2	5							1	9	19						
3	5230100	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	38	13	25	1	2		2	1	1	2	1		4	1	1	2	1	2	1	3				2	3	4						
4	5230200	Menajment (sanoat korxonalarida innovatsion loyihalar boshqaruvi)	36	11	25	2	2	1	3		1		1			2	2		1	5	1					1	4	10						
5	5231900	Korporativ boshqaruv	44	9	35				2		2	1			2	2		1	5	1				1	1	4	4	17						
6	5310100	Energetika (tarmoqlar bo'yicha)	160	31	129	2	7	2		4	3	1	7	2	6		4	2	11	3	19	2	10	2	19		6	2	3	5	18	4	16	
7	5310200	Elektr energetikasi (tarmoqlar va yo'nalishlar bo'yicha)	118	17	101	1	2		1	2	7		5	2	6	1	6	1	5	2	12	1	8		15	1	6	1	2	3	22	2	4	
8	5310300	Metallurgiya	90	8	82				2		2		7	4	11	1	2	4		1				1	45		1		1	1	6			
9	5310500	Avtomobilsozlik va traktorsozlik	54	11	43		2	1	1	2	2		3	2	2	1	1	1	5	2	1	1	1	8	2	3		3	5	5				
10	5310600	Transport vositalari muhandisligi (turlari bo'yicha)	122	20	102	3	6		1	6		5	3	6	1	3	1	9	1	17	1	1	18	1	5	3	7	3	14	1	5			
11	5310700	Elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari (tarmoqlar bo'yicha)	113	22	91		6		4	2	9		2	3	13	1	2	6	7		1		5	6	17		3	1	5	1	6	2	10	1
12	5310800	Elektronika va asbobsozlik (tarmoqlar bo'yicha)	74	11	63		2		3		3		4	1	6		1	2	1	6		4	3	15	1	1	1	2	3	6	1	8		
13	5310900	Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti (tarmoqlar bo'yicha)	50	9	41		2		1	2	1		3	3	2		1	3		1	1	1	9	1				6	1	12				
14	5311000	Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish (tarmoqlar bo'yicha)	75	14	61		1		4	4		3	2	8		1	1	5	1	3	1			9		2		1	4	21	1	3		
15	5311100	Gidroenergetika	31	9	22				2		1	1		1	1	2			1	1	1	8	2	1				1	1	1	4			
16	5311500	Geodeziya, kartografiya va kadastr (funktsiyalari bo'yicha)	58	17	41				2	2		4		1	1		3	1	5	4	5	4	9	1	2			1	2	4	2	5		
17	5311600	Konchilik ishi (faoliyat turlari bo'yicha)	101	36	65	1		1		4	8		3	10	12	5	2	6	12	6	7			2	16				2	1	3			
18	5311700	Foydali qazilma konlari geologiyasi, qidiruv va razvedkasi (kon turlari bo'yicha)	132	24	108	2	8	1	2	3	6		5	4	15		5	3	22	2	12		1	3	11	2	3			3	14	1	4	
19	5311800	Gidroteologiya va muhandislik geologiyasi	79	21	58			1	2	1	6	4		2	9		2	3	1	6	2	1	1	14				1	2	9	5	7		
20	5311900	Neft va gaz ishi (faoliyat turlari bo'yicha)	136	34	102	4	15	1	5	2	8	2	6	1	1		5	4	16	1	2	1	4	4	11	3	3	4	17	3	9			
21	5312100	Energiya tejamlorligi va energoaudit	52	20	32		2		1		3	2	1		1		2	4	1	3	1	12	2	2	2	2	2	3	3	1				
22	5312200	Konchilik elektr mexanikasi	48	10	38			1	2	2		3	2	10		1		5	1	1	1	2	3	9				1	2	2	2			
23	5312300	Markshayderlik ishi	31	10	21						1	4	4	4	1	2	2	1		1			2	5					2	2	2			
24	5312400	Muqobil energiya manbalari (turlari bo'yicha)	60	23	37	3	3	2		2	2	1	1	2	1		1	3		3	2	11	1	1				3	6	4	6			
25	5312500	Energiya mashinasozligi (tarmoqlar bo'yicha)	33	10	23		1	2	2	1		3		1			2	4	6		2	1	1	1	1	1	1	2	1	2	1	2		
26	5312600	Mexatronika va robototexnika	28	7	21		1		1				2	1	5			1		4	1					1		2	2	2	6			
27	5312700	Intellektual muhandislik tizimlari (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	17	6	11		1		1	1	1		1	1			1		1		3	2		1					1		2			
28	5312900	Lazer-yorug'lik texnologiyalari va optoelektronika	67	15	52	1	2		1	2	3	2	3	2	1	1		2	1	2	1	2		11	2			4		12	3	10		
29	5313000	Biotebbyiot muhandisligi	29	6	23		1				3	1	1	1			1	1	1			1	5	1				1	1	1	1	8		
30	5313700	Gas jihozlaridan foydalanish va ularga xizmat ko'rsatish	42	11	31	4	8		3		2	3				2	1	2	2		2	5				1	3		2	1	1			
31	5314800	Payvandlash texnologiyasi va jihozlari	49	15	34	2	1		2	1	3		2	1	1	1		3		1	5	12		1			2	2	5	2	2			
32	5320100	Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi (tarmoqlar bo'yicha)	57	14	43		2		1		2		3	1	5		1		2		5	8	16				1	1		3	3	3		
33	5320200	Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomatlashtirish	99	22	77		2	1	5		5	3	9	1	6	2	12	2	4		1	4	11	1	7		2	5	6	3	7			
34	5320300	Texnologik mashinalar va jihozlar (tarmoqlar bo'yicha)	216	57	159	4	14	1	2		5	4	7	12	13	1	5	7	12	2	10	6	8	8	21	1	5	1	2	8	27	2	28	
35	5320500	Biotehnologiya (tarmoqlar bo'yicha)	39	8	31		2						1				4		3		3	2	2	3		3	2	1	1	15				
36	5321400	Neft-gaz sanoati mashinalari va jihozlari	53	13	40	1	4		1		1		5	1	4		2		2	3	2	1	4	6	1	1		1	2	5	1	4		
37	5321900	Elektron apparaturalar ishlab chiqarish texnologiyasi	23	7	16	1			1	1	1	1	2	1			2	2	1	1	1		5	1		1				1	1			
38	5322100	Metallar texnologiyalari (jarayon turlari bo'yicha)	131	34	97		3	3	3		1	2	6	9	6		2	1	4	1	11	1	4	8	33	1	1	1	4	5	6	2	13	
39	5330200	Axborot tizimlari va texnologiyalari (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	58	16	42	1	1	1	1	1	3	1		1		1	5	2	2	1	1		2	1	10		1	1		2	7	3	9	
40	5340200	Bino va inshootlar qurilishi (neft-gazni qayta ishlash sanoati obyektlari)	44	9	35	1	1		3	1	3		1		1	2	1	5		4		1	1	7	1		1		1	2	7			
41	5350700	Radioelektron qurilmalar va tizimlar (tarmoqlar bo'yicha)	33	8	25	1			1		3		1	2					1	1		2	3	6				1	1	4		6		
42	5630100	Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	48	10	38		1		2	1		2	2		5		1		2	1	4	1	5	2	1	1			2	2	13			
43	5640100	Hayotiy faoliyat xavfsizligi	42	12	30		1	1	2		2		1	1	2		2	1	3		3	1	1	3	5	1		1	1	1	4	2	3	
44	5640200	Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi (tarmoqlar bo'yicha)	45	10	35	1						2	2				2	1	2		1	2		2	14				1	2	5	1	10	
		Jami	2915	685	2230	37	106	20	55	45	114	29	111	92	172	16	79	57	154	39	174	33	87	100	462	34	76	24	61	73	265	86	313	

MAGISTRATURA																																
№	Shifr	Mutaxassisliklar nomi	Bitiruvchilarning umumiy soni		Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha																	Boshqa davlatlar										
					Qorapog'on Respublikasi	Andijon viloyati	Buxoro viloyati	Jizzax viloyati	Navoiy viloyati	Namangan viloyati	Samarqand viloyati	Surodaryo viloyati	Sirdaryo viloyati	Toshkent viloyati	Farg'ona viloyati	Xorazm viloyati	Qashqadaryo viloyati	Toshkent shahri														
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24									
			jami	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma	grant	shartnoma									
1	70411601	Korporativ boshqaruv	1	1																		1										
2	70610701	Sun'iy intellekt	1	1			1																									
3	70611503	Radioelektron qurilmalar va aloqa vositalari	3	2	1					1																						
4	70710401	Atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	4	4						1																						
5	70710501	Gidroelektrostansiyalar	2	2																												
6	70710503	Sanoat issiqlik energetikasi	1	1				1																								
7	70710504	Issiqlik texnikasi (qo'llanish obyekti bo'yicha)	1	1																												
8	70710506	Yadro energetikasi va issiqlik fizikasi	2	2						1																						
9	70710601	Elektr ta'minoti (tarmoqlar bo'yicha)	3	3																												
10	70710602	Elektr stansiyalari	1	1																												
11	70710603	Elektr energetikasi tizimlari va tarmoqlari (faoliyat turlari bo'yicha)	7	7																												
12	70710703	Elektrotekhnika majmualar va tizimlar (tarmoqlar bo'yicha)	1	1																												
13	70710901	Energiya tejamlorligi va energoaudit (tarmoqlar bo'yicha)	9	9																												
14	70711001	Muqobil energiya manbalari (turlari bo'yicha)	3	3																												
15	70711002	Vodorod energetikasi va texnologiyalari	2	2																												
16	70711101	Energiya mashinasozligi (tarmoqlar bo'yicha)	1		1																											
17	70711201	Elektronika va elektron texnikasi (tarmoqlar bo'yicha)	4	4				1																								
18	70711302	Metrologiya, standartlashtirish va sifati boshqarish (tarmoqlar bo'yicha)	7	7		2		1																								
19	70711401	Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish (tarmoqlar bo'yicha)	4	4																												
20	70711501	Mexatronika va robototexnika	1	1																												
21	70711601	Intellektual muhandislik tizimlari (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	1	1																												
22	70711801	Tibbiy-biologik apparatlar, tizimlar va majmualar (qo'llanish sohalar bo'yicha)	2	2																												
23	70711803	Rentgen texnikasi va texnologiyasi	2	2																												
24	70712104	Kukunli metallurgiya, kompozitsion materiallar, qoplamalar	2	2																												
25	70712301	Quyqamkorlik ishlab chiqarish texnologiyasi (turlari bo'yicha)	1	1																												
26	70712401	Avtomobilsozlik va traktorsozlik	3	3																												
27	70712501	Yer usuli transport vositalari va tizimlari (transport turlari bo'yicha)	1	1																												
28	70712504	Avtomobillar va avtomobil so'zligi	1	1																												
29	70712505	Ichki yonuv dvigatellarini sinash va ulardan foydalanish	1		1																											
30	70713001	Aviyo transport vositalarining gaz ballonli uskunalarga texnik xizmat ko'rsatish	1		1																											
31	70720601	Materialshunoslik va materiallar texnologiyasi (tarmoqlar bo'yicha)	4	3	1																											
32	70720708	Neft-gaz sanoati mashinalari va jihozlari	1	1																												
33	70720801	Mashinasozlik texnologiyasi va jihozlari (ishlab chiqarish bo'yicha)	4	4				1																								
34	70720901	Kimyoviy va neft-gaz kimyoviy texnologiyalar	3	3				1																								
35	70721501	Foydali qazilma konlarini qazish (qazish usullari bo'yicha)	2	2		1																										
36	70721502	Shaxta va yer osti muhandisligi (maksheyderlik ishi)	1		1																											
37	70721601	Foydali qazilma konlari geologiyasi, qidiruv va razvedkasi (kon turlari bo'yicha)	1	1																												
38	70721602	Neft va gaz konlari geologiyasi, qidiruv va razvedkasi	2	2																												
39	70721801	Neft va gaz konlarini ishga tushirish va ulardan foydalanish	1	1		1																										
40	70721803	Neft va gaz quduqlarini burg'ilash	1	1																												
41	70722501	Aviatsiya-kosmik vositalari bilan tabiiy resurslarni tadqiq qilish	1	1																												
42	70730302	Neft va gaz quvurlari, baza va omborlarini qurish va ulardan foydalanish	2	2																												
43	71020201	Mehnat muhofazasi, ishlab chiqarish va texnologik jarayonlar xavfsizligi (tarmoqlar bo'yicha)	4	3	1																											
44	71031902	Favqulodda vaziyatlarda aholi xavfsizligi	2	2																												
		Jami	102	95	7	4		3		4		4		7		4	1	2		2		5		18	2	2		6		7	4	27